



“DORI-DARMON”
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
XABARNOMASI

100021, O‘zbekiston Respublikasi,
Toshkent sh., Chorsu maydoni, 21-uy
Faks: (78) 120-16-63, tel. (78) 120-48-48
e-mail: office@doridarmon.uz

№ 11-13/462

2023-yil “05” iyun

“DORI-DARMON” AK
акциядорларига

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“DORI-DARMON” АК Кузатув кенгашининг 2023 йил 2 июндаги қарорига асосан, Компания акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 27 июнь куни соат **11:00 да** (Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21 уй манзили бўйича Компаниянинг мажлислар залида) ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат **10:00 да** бошланиб, соат **10:50 да** тугатилади умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 21 июнь ҳолатига тузилади. Электрон почта манзили: **office@doridarmon.uz**.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. “DORI-DARMON” АК Кузатув кенгашининг 2022 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тинглаш;
3. “DORI-DARMON” АК фаолиятининг 2022 йил яқунлари бўйича мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;
4. “DORI-DARMON” АК бошқарувининг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
5. “DORI-DARMON” АК корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
6. “DORI-DARMON” АК томонидан 2022 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш;
7. “DORI-DARMON” АК нинг 2023 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш;
8. “DORI-DARMON” АК “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларига ўзгартириш киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида;
9. “DORI-DARMON” АК Бошқарув раиси ваколатини узайтириш тўғрисида;
10. “DORI-DARMON” АК Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш;

11. “DORI-DARMON” АҚда 2023 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;

12. “DORI-DARMON” АҚга «Сирдарё Дори-Дармон» МЧЖни қўшиб олиш шартномасини ҳамда топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида;

13. “DORI-DARMON” АҚ устави янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан “DORI-DARMON” АҚда ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат **10:00 дан 17:00 гача** танишишлари мумкин.

Бошқарув раиси



У.Салихбаева